

## **ГҲОШ ҚАРАШЛАРИДА ТАҚДИР МАСАЛАСИ**

**Раматов Ж.С.**

Тошкент давлат транспорт университети  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири

**Валиев Лочин Азаматович**

Тошкент давлат транспорт университети  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси таянч докторанти

### **АННОТАЦИЯ**

*Тақдим қилаётган мақоламиз Ауробиндо Гҳош фалсафасида инсоннинг тақдирини таъминловчи ирода ва унинг кучи тўғрисида ҳамда ирода эркинлиги ҳақида сўз боради. Бундан ташқари ҳақиқий “мен” одамзотнинг табиатини талқин қилувчи илоҳий моҳият эканлигини тушунтириб ўтганмиз. Шу билан бирга инсоннинг гайритабиий қобилияти бу унинг юқори ондан мукамалликка қараб ўтиб кетганлиги ва янги руҳий куч инсоннинг ҳақиқий камолот йўли, чин бахти ва ҳаёт қонунидир.*

***Калим сўзлар;** Тақдир, шахс, жамият, ирода эркинлиги, илоҳий севги, маъшуқа, ёр, Тангри, Худо, туганмас энергияси, виталистика, Супермен, инсон “мен” и, комил инсон, ҳаёт ва материя, материализм даври, Йога, тариқат, Нақшбандия, идеал шахс.*

## **THE QUESTION OF DESTINY IN GHOS'S VIEWS**

### **ABSTRACT**

*The article we are presenting is about the will and its power that ensures the destiny of a person in the philosophy of Aurobindo Ghosh and about free will. We have also explained that the true self is a divine entity that interprets human nature. At the same time, the supernatural ability of man lies in the fact that he has passed from the subconscious to perfection, and that the new spiritual power is the true path of man to perfection, true happiness and the law of life.*

***Keywords;** Destiny, man, society, free will, divine love, madam, companion, God, God, infinite energy, vitalistics, Superman, human "I", perfect man, life and matter, age of materialism, Yoga, sect, Naqshbandi, ideal man.*

## **ВОПРОС СУДЬБЫ ВО ВЗГЛЯДАХ ГХОША**

### **АННОТАЦИЯ**

*Представляемая нами статья о воле и ее силе, обеспечивающей судьбу человека в философии Ауробиндо Гоша и о свободе воли. Мы также объяснили, что истинное «я» — это божественная сущность, интерпретирующая*

человеческую природу. В то же время сверхъестественная способность человека заключается в том, что он перешел от подсознания к совершенству, и что новая духовная сила есть истинный путь человека к совершенству, истинному счастью и закону жизни.

**Ключевые слова;** Судьба, человек, общество, свобода воли, божественная любовь, госпожа, спутница, Бог, Бог, бесконечная энергия, виталистика, Сверхчеловек, человеческое «Я», совершенный человек, жизнь и материя, век материализма, Йога, секта, Накибанди, идеальный человек.

## **КИРИШ**

Файласуф Гҳош ХХІ асрдаги маънавий босим ва руҳий қийинчиликларни ирода кучи билан енгиб ўтишининг энг яхши усулларини кўрсатиб, инсонларга маънавий тарбия улашган психолог олимлардан биридир. У томонидан ташкил қилин “Шри Ауробиндо Гҳош Ашрами” ибодатхонаси ҳозир кунда Ҳиндистондаги инсонлар руҳий титиклик олувчи, ички хотиржамликка эришувчи энг мукамал марказларидан бири бўлиб келмоқда. Гҳош ХХ асрнинг кучли файласуфи, олими, ёзувчиси, шоири, Йогиси, сиёсий етакчиси, руҳий тарбиячиси ва идеал муаллими ҳисобланади. Биз ҳозир ХХІ асрда барча деразалари очик бўлган уйда яшаймиз, шамол ва бурон очик деразага бемалол кирганидек бизнинг онгимизи тур хил ёд ғоялар билан осонгина забт этиб этадиган вазиятдамиз. Аммо бундай вазиятни олдини олиш осон, фақатгина биз ўз ан - аналаримиз ва урф – одатларимизга содиқ ҳолда ҳаёт кечирсак инсоний фазилатларимиз ва онгимизни соф ҳолда ушлаб тураоламиз.

Биз ҳозирда келтирган фикрларимизни юқорида ҳам ўхшаш фикрларимиз билан ёзиб ўтгандек аммо яъна шуни ҳам таъкидлашимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 январь куни маънавий - маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”<sup>1</sup> деб таъкидладилар. Шу билан бирга президинтимиз “Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”<sup>2</sup> деган фикрларни ҳам қўшимча қилди. Бу фикрлар ўз – ўзидан таъкидланмади, бу

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 19 январь куни маънавий - маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидан

<sup>2</sup> Ўша селектор

жамиятни ва халқ мафаатларини кўзлаб одамларимизни маънавий жиҳатдан бойитиш зарурлигини биринчи мақсад эканлигини кўрсатиб ўтди.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).**

Адабиётларимизнинг кўп қисми хориж адабиётларидан ташкил топган бўлиб, асосан мақоламиз мавзуси асосида йиғилган. Бундан ташқари ўзимизнинг шахсий мақолаларимиздан ҳам иқтибослар келтириб ўтилган. Хусусан Е.С. Крючованинг. “Шри Ауробиндо о духовной трансформации и ее необходимости для духовного возрождения человечества” номли мақола мавзумизга мос ҳолда уни очиб беришда фойдаланилган. Худди шунга мос адабиётларимиздан Булгаков С.Н., свящ. Тихие думы ва Ауробиндо Гхош. Человеческий цикл асарларида инсон ҳаётининг олий мақсади ва инсон онгининг Supermind даражалари кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари Шри Ауробиндо Гхошнинг айнан мақоламиз асоси бўлган Синтез Йоги ва Ромаҳнинг О.В. Теория культуры асарлари ўрин олган. Буларда инсон онгининг устириш илмий ривожланиш орқали маънавий юксакликка эришиш йўллари ҳақида ўзимизнинг шахсий фикрларимизни киритиб ўтдек.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).**

Фалсафий йўналишларда ҳамда диний таълимотларда инсоннинг эркинлиги ва тақдир масаласи кўп маротаба талқин ва таҳлил қилиниб келинмоқда, аммо ҳали – ҳануз мукамал бир ечим топиб улгурмаган масалалардан биридир. Қадимдан олим ва уломалар, файласуф – ёзувчилар инсон эрки масаласи ҳақида фикр юритганда тақдир тушунчасига алоҳида урғу бериб ўтган. Хусусан “тақдир” сўзи арабча сўздан олинган бўлиб, “ҳисоблаб чиқиш”, “эътироф этиш” ва “баҳолаш” маъноларини англатса, диний изоҳларида “олдиндан белгилаб қуйилган”, “ёзмиш ва қисмат”<sup>3</sup> каби тушунчаларни беради. Биз кўриб чиқишимиз керак бўлган томонлари ҳам мана шу қисмлари ҳисобланади.

Нарсаларнинг моҳиятида уларнинг умумийлиги ва индивидуаллиги жиҳатлари мавжуд бўлиб, айнан ана ушалар унинг мавжудликнинг абадийлик шарти саналади. Шу сабабли Гхош дунёнинг чексизлик абадиятининг вақт жараёнини тушуниш учун онг ўз имкониятлари чекланганлигини айтади, бунинг учун чекланмаган ақл ва руҳий туйғуга ўтиш кераклигини таъкидлайди. Файласуф инсон яқуний тақдири ҳақидаги масалани шундай тарзда тушунтириб ўтади. Зеро инсон тақдири ўзининг моҳиятига кўра абадийнинг вақт жараёнинг маълум бир қисмига ҳос мавжудлик ҳисобланади. Ауробиндо Гхош қарашларида Ницшенинг фикрларига бироз яқин тушунчаларни ўчратишимиз мумкин, сабаби абадий қайтиш таълимотига мос равишда инсон

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.: 2006. - .97.Б

руҳининг абадаийлик масаласи юқоридаги фикрларимизга жуда яқиндир. Хусусан қуйидаги фикрлари айтган сўзларимизнинг мисоли бўла олади. “Инсон ўзининг ғайритабий тақдирига хос бўлгани эътиқоди бўйича олиб қарасак, бу аниқ бўлмаган назарияларга таянади холос, бу билан боғлиқ бўлган барча нарсалар очик бўлиши ва аниқ ҳолда кўрилиши лозим”<sup>4</sup>.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Гҳош таъкидлаганидек, Инсоннинг бирор ерда мавжудлигини унинг тақдири белгилайди. Бу тақдир инсонда аллақочон мавжуд бўлган зарурат ва тасодифдир. Ҳаттоки инсоннинг бу дунёдаги ўлими ҳам зарурат ҳисобланиб, тақдирнинг ниҳоясини ўлим белгилашини айтиб ўтади. Аслида ўлим муаммоси нафақат қадимги замонларда, балки ҳамма даврларда ҳам инсонлар учун жуда сирли, жумбоқ, шу билан бирга доимо мавҳум масала бўлиб келган. Фалсафа тарихида ўлим ва ҳаёт, ҳаёт ва ўлим нима эканлигини ва уларнинг ўзаро муносабатини ўрганган, бу борада ўзининг хулосаларини берган жуда кўп файласуфлар ҳамда уларни бирлаштириб турган фалсафий оқимлар, қарашлар мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотлар берилади. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу мавзу фалсафанинг экзистенциализм деб номланувчи оқимида атрофлича ўрганилган ва талқин этилган. «Экзистенциал фалсафа инсон ўлим хавфи туфайли ҳаётининг маъно-мазмунини ҳақида ўйлашга мажбур бўлади, дея таълим беради»<sup>5</sup> ёки « Ҳар бир инсон томонидан ўлим муқаррар эканлиги тан олган ҳолда ана шундай экзистенциалистик тафаккур ёрдамида одамлар уйғонишга туртки олади».<sup>6</sup> Бизнинг бу ҳаётимиз олдида қуйган мақсадимиз тўлиқ баркамоллик бўлиб, бу мақсад ерда яратишимиз керак бўлган Илоҳий ҳаёт давосидир. Ауробиндо Гҳош бу сўзлари билан инсон эволюцион тақдирини қисқача баён қилар экан, инсон она табиатнинг ажралмас бир бўлаги бўлиб, ер юзида илоҳий ҳаётнинг пайдо бўлишида катта хизмат қилади. Файлсауф Илоҳий ҳаёт тушунчасини қуйидагича таърифлайди, “Бизни ўраб турган атроф муҳитда, борликдан куч олиб, завқланиб тўлиқ яхлитликда яшаш бу илоҳий ҳаётдир.” Демак инсон бу ҳаётда борлиқ билан яшаш кераклиги ва уни ҳис қилиш керак айтилади, аслида инсон тақдирининг асл мақсадларидан бири ер юзида илоҳий ҳаётни яратишдан иборат бўлиб, бунинг учун ўзининг эволюцион тақдирининг мақсади сифатида борлиқ билан чамбарчас равишда ҳаёт кечириш керак бўлади. Инсон танасининг маънавий юксалиши ҳақида диний муносабатлар томонидан чуқур уйлаб кўрилмаган масалалар сирасига киради, сабаби тана ўз вазифасини утаб бўлгандан сўнг ташлаб юбориладиган оддий восита сифатида қаралади.

<sup>4</sup> Daniel Acharupahambil. The destiny of man in the evolutionfry thout of Sri Aurobindo. P.6 - 9

<sup>5</sup> Чориев А. Билишнинг пойдевори // Тафаккур. – Тошкент, 2003. – №1. – Б. 40 - 45.

<sup>6</sup> Скирбекк Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи. – Т.:Шарқ, 2002. – 674 б.

Дунёдаги ҳеч қандай урф – одатларда тананинг илоҳий тақдири масаласи ҳали – хануз кўриб чиқилмаган муаммолардан биридир, аммо Гҳош учун ушбу муаммо эволюция жараёнининг табиий танланиш натижасидир. Шу сабабли ҳам инсон ўзининг тақдирининг тўлиқ ўзгартириш имкониятига эга бўлса, тананинг ўзгариши эса тақдирнинг ажралмас бир қисми сифатида кўрилади, демак тақдир масаласини инсоннинг ўзи ўзгартираолмас экан танани ҳам тўлиқ илоҳийлаштираолмайди. Хусусан Ауробиндо Гҳош инсонни эволюцион жараён маҳсули сифатида қарайди, шунинг учун ҳам унинг тақдири ҳаётнинг утиш даври маҳсулидир. Тақдир бу Ауробинда Гҳош наздида, секинлик билан босқичма – босқич оддийдан мураккаб томон ҳаракатланувич жараёндир. У инсонни туғулиши билан тугайдиган жараён эмас балки, тақрорий туғулиш орқали давом этадиган хусусиятдир. Ана ушандагина инсон тақдирининг асл маъноси келиб чиқади. Инсон ҳаётда бир марта келиши билан ўзининг ҳаёт мазмунини тушиниб етаолмайди, кўплаб туғулиши натижасидагина бу мазмунни тушуна олади. Албатта бу назариялар бир томонлама ишлаб чиқилган фалсафий билимлар сирасига кирсада, ҳинд фалсафасида ўзининг чуқур аҳамиятига, аммо ислом дини назариясига кўра инсон тақдирининг бундай абсурт тушунчаси қораланиб, инсонга фақат бир марта имконият берилади ва у шу имкониятидан тўғри оқилона фойдаланган ҳолда ўз тақдирини англаб етиши шартдир. Сабаби Оллоҳ инсонга бу ҳаётда қандай яшаши ва қандай ҳаёт кечириши тўғрисида ўзининг каломи Қурони Карим китоби орқали етқазган, хусусан “исломдаги асосий диний – фалсафий оқимлардан бири саналган тасаввуфда тасодифнинг мавжудлигига ишора этувчи бир қанча фикр - мулоҳазалар билдирилган.

## **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инсон тақдири масаласи қадим даврлар мобайнида файласулар диққат эътиборида бўлиб келди. Айниқса, бу ислом дини пайдо бўлгандан, исломшунос олимлар эътирофида қизғин баҳс – мунозараларга айланди. Бир гуруҳ олимлар тақдир Оллоҳ томонидан берилган бўлиб, уни фақат у билади, яъни одамзод пешонасига ўз тақдири битилганини айтишса, яна бошқа бир гуруҳ исломшунос олимлар инсон ўз тақдирини ўзи яратади дея таъкидлайди. Бу икки мунозарали баҳсларда ўз ишимизда бир қанча маълумотлар ҳам келтириб ўтдик. Инсон тақдири масаласида Ауробиндо Гҳош талкинида инсон ўз тақдирини ўзи яратади ва бунинг учун у барча қийинчилик, тўсиқларни тақрор ва тақрор қайта тўғилиши давомида енгиб боради. Бу қийинчиларнинг енгиб ўтиши натижасида инсон ўз тақдирининг асл мақсади нима эканлигини англаб, юксак маънавият эгасига айланади. инсон

тақдирида ҳар доим пастдан юқорига кутарилиш лозим бўлган босқичлар бўлиб, гўёки бу оддий онгдан, илоҳий онгга етишиши кабидир.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 19 январь куни маънавий - маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидан
2. Ромах О.В. Теория культуры. М., 2006.
3. Валиев Л.А. Ауробиндо Гхош фалсафасининг маърифатпарварлик ғоялари. *Oriental renaissance. Innovative educational, natural and social sciences journal*. Тошкент, 2021 йил - №-4.Б 568-574
4. Е.С. Крючов. Шри Ауробиндо о духовной трансформации и ее необходимости для духовного возрождения человечества. М.Вестник ТГУ.2011.С.275-278
5. Rakibul Islam. Shri Aurobindo: Relevance of his spiritual philosophy in the 21<sup>st</sup> century. *Asian Journal of Science and Technology*. Vol.08, Issue, 09, September,2017.pp.5830-5833.
6. Singh, M. K. Aurobindo Ghosh Life and His Philosophy. Aryan Publication. 2016. 352. P.
7. Ш.Н.Пўлатов. Санкҳя мактабининг детерминистик фалсафаси ва унинг ижтимоий моҳияти. ТДШИ илмий журнали. 2018. 123.Б.
8. Л.А.Валиев. Гхош таълим концепциясининг шахс маънавиятидаги ўрни. ТДТрУ.2022. Б.522-526
9. <https://ru.wikipedia.org/wiki>. Ли́ла – लीला. Ҳиндуизм динида ўйин, ўйин кулгу ёки завқ – шавқ учун худонинг ишларини англатади. Ли́ла Ҳиндуизмининг монистик ва дуалистик фалсафасида муҳим фалсафий термин ҳисобланади. Вайшишизмда Вишнунинг ердаги сиймосини тасвирлайди, масалан ёш Кришнанинг ҳазиллари ёки эпик эксплуатацияси
10. Southard, B., “The Political Strategy of Aurobindo Ghosh: The Utilization of Hindu Religious Symbolism and the Problem of Political Mobilization in Bengal”, *Modern Asian Studies* Vol. 14, No. 3 (1980), pp. 359-361